

ЖАЛДІК СҮЗІ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 МАЙ, ПАЙШАНБА № 102 (607). 1993 йил. Сوتуда эркин нархда.

Рожер КЁРК:

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ АМЕРИКА ХАЛҚИ УНГА АЙНИҚСА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ҚАРАЙ БОШЛАДИ.

ИЛГАРИ ВИЗ ФАҚАТ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДАГИНА БИЛГАН БЎЛСАК, ЭНДИЛИКДА БУ ЎЛКАНИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ ҲАЁТИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТОБОРА КЎПРОҚ ТАНИШАЯПМИЗ.

Вашингтондаги Жоржтаун университетининг профессори Рожер Кёрк жақон итисоди ва дипломатия университетини таърифушулар ўқишда. АҚШнинг Сомали ва Руандадаги аъён, БМТдаги доимий вакил бўлиб ишлаган бу дипломат ва олинми халқаро муносабатлар, дипломатик амалиёт, АҚШнинг ташқи сийосати мазмунларидаги маърузалари талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Виз олинмига бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Жаноб профессор, Ўзбекистонда илгари бўлганмики? — 1964 йили илк бор сайёх сифатида Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган эдим. Ушанда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлгандим. Ушанг йиллар ичида жумхуриятингизда катта ўзгаришлар рўй берди. Зилзиладан кейин Тошкент бутунлай қайта қурилибди. Айниқса, мустақил жумхурият байроқлари кўзни қувонтиради. Кунни кеча Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ҳам рафиман билан бирга бориб кўрдик. Назаримда, қадимий мейморий обиделар янада чирой очгандек. Чунки улар пухта таъмирланибди. Ҳамма жойда ўсим, ўзгариш кўзга ташланади. Қурилишлар миқёси ҳам катта.

— Ўзбекистон билан Американинг бугунги муносабатлари ҳусусида нима дея оласиз? — Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Америка билан унга айниқса катта қизиқиш билан қарай бошлади. Илгари халқимиз фақат Амир Темур ҳақидагина билган бўлса, эндиликда бу ўлканинг тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақидаги маълумотлар бизга тобора кўпроқ етиб бормоқда. Айрим дорилфунунларда ўзбек тили ўқитилганди. Америкаликлар Ўзбекистонда эркин бозор тизмини, ривожланган демократия жамиятини берпо этишда кўмаклашганини истайдилар. Мажмуа қийинчиликлар тез орада орқала қолиб кетади, деб ўйлайман. Икки ўртадаги алоқалар янада кенгайтиши керак. Бир-бирининг қанча яқиндан билсак, шунча яхши бўлади, бир-биримизга ардамлилик ҳам кўпроқ тегади.

— Ўзбекистон ҳаётининг энг муҳим даражаси, яъни мустақил ва демократик давлат шаклланаётган пайтда малекли мухтаassisлар тайёрлаш ишига ўз улушимни қўшаётганимдан мамнунман. Бу мен учун юксак шараф.

Носир МУҲАММАД, ЎзА мухбири.

Ислон КАРИМОВ:

«ХАР ҚАНДАЙ МУХОЛИФ БИЛАН БАҲСЛАШМОҚҚА ТАЙЁРМАН...»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Труд» газетаси саволларига жавоблари

— Қўллар Ўзбекистон деганда ҳозир собиқ иттифоқ ҳудудида жуда тансиқ бўлиб турган ижтимоий-сиёсий барқарорлини тушунади. Аммо бу барқарорлик нималар ҳисобига таъминланмоқда ва «қучли Президент қўли», «қаттиқ тартиб», таъбир жоиз бўлса, демократиянинг муайян чекланиши бу борада қандай ўрин олинмоқда?

— Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам, энг муҳим саволдир. Ўзбекистонга қизиқиб қараётган барча кишилар шунга эътибор берадилар. Чет эллардаги, АҚШдаги бир қанча ижтимоийчилар, сийосатчилар иттифоқ барбод бўлгандан сўнг кўп миңтақаларда ва, аввало Урта Осиё, Кавказ, Молдова каби жойларда миллий иттифоқлар, бошбошдоқлик, ўзаро кураш муқаррар, деб оқдландан башорат қилиб қўйганликларини эслатиш мумкин. Иттифоқ замонида содир бўлган ва бошқа жойлардаги фожиа қарама-қаршиликлар сиёсийликнинг «бошланиши» берган Фарғона воқеалари ҳам рўқча қилиб кўрсатилган эди. Ушанда фактларгина эмас, айна вақтда бу фактларнинг маъносино хохил талич этилганга, 1989 йил 14 июнда Ушанга пайдалани. Бош вазир Рижков ва Давлат Хавфсизлик қўмитетининг бошлиғи Чебриков иштирокида шунанша ўтказилган «Каттиқ» деб аталмиш йиғинда чиқарилган биздаги «миллатчилик муаммолари»га оид палла-партиш хулосалар ҳам рўқча қилинган эди... Юқоридан ва «хотлис»



Москвадан — КПСС Марказий Қўмитети томонидан ўшанда муллоқ ноҳилосона фикрлар айтилган эди. — Энди биз бирмунага таъбир ортирдики ва миллий, ижтимоий муносабатлар ҳусусида бундай «қаттиқ» фикр ва мулоҳазаларни айтмаймиз. Бу ерда фақат мутаассиблар яшайди ва ислом динининг ўзи мутаассибликдан иборат, деган ақидага асосланган аввал бошланок гирт ёгондир. Оқдандан ноғўри хулоса чиқаришни илдиш шундан

даки, Москвада ўтириб олиб, Марказий Осиёдаги воқеаларга менсимай, юқоридан баҳо бериб бўлмайди. Бу ҳалқнинг ўз анъаналари, ўз фазилатлари, ҳозир расм бўлган ибора билан айтганда, ўз менталитети, минг йиллик меъналаридан фехланиш тўғрисида бор. Шунинг оқдига тўғриватганда бирон-бир баҳо бериш мумкин. Шу жумладан, ҳокимиятнинг ўрни, демократиянинг қарор топиши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Халқимиз — жуда меҳмондўст, сабр-қаноатли халқ. Бу илҳатдан у, жоиз бўлса, барча қийинчиликларга барлош берадиган русларга ўхшаб кетади. Ўзбеклар — бошқаларга жуда хайрихоҳ. Сизга шунинг оқдига бўлади — Болтиқбўйида миллийлик қучайган пайтда ва Кавказнинг қўпгина жойларидан рус тилида гапиришни атайлаб хоҳламаганлариди. Ўзбекистонда бундай бўлмади... Сизнинг саволингизга жавобан шунинг таъкидламоқчиман: биз иттифоқий, сийосат соҳисиди, ижтимоий соҳада бошқаларга ўтишга қийинчилик ҳам, ишларимиз атайлаб миллийликнинг таъминлаш билан боғлиқ. Мен мана шу тоғулик учун, ижтимоий барқарорлик учун ҳамма ишнинг қилишга тайёман.

— Мажмуа шароитда шу тоғуликка эришиш йўлида сиз жамиятнинг демократиялаш жараёнини бир-

мунча чеклашга тайёрсиз, деса бўладими? — Бу — ҳам кўп учрайдиган савол. Баъзи гапларни такоррлашимга тўғри келади. Айрим жойларда бемисоли портлашдек тез содир бўладиган воқеалар бу ерда бошқачароқ баҳоланади. Назаримда, руслар ҳам «жиззава билан даволаш», инқилобий ёки турривро сохта инқилобий ларзалар билан боғлиқ воқеаларни ёқтирмайдилар. Виз инқилобий сакрашларга қаршимиз, аста-секин, сиёсатдан йўлдан бориш таърифдоримиз. Мен рақибларимга, танқид қилувчиларга шу ҳақида қайта-қайта гапиришман. Модомики, биз кимларнингдир андозасига «тушмаётган» бўлсак, бундан ривожланиш ноғўри йўлдан кетишти, деган маъно чиймайди. Бас, шундай экан, кимнингдир назариди Ўзбекистондаги қандайдир жараёндир, ислоқотлар секинроқ бораётгандек, инсон ҳуқуқлари бузилаётгандек туюлаётган бўлса, ҳар бир ҳолатда мажмуа вазиёти ва бизнинг ҳусусиятимизнинг ҳисобига олиб, чуқурроқ мулоҳаза юритишни илтимос қилган бўлар эдим. Визнинг юртимизда яшаб қўрган, халқнинг анъаналарини, турмуш тарзини, ахлоқий ва маънавий қадриятларини билган кишигина бунинг тушуниши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВАМАНИК МАНИМ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ШАҲАР УТМИШИ ҲАҚИДА КИТОБ
● ШАҲРИСАВЗ, Шаҳар ва район тарихини яратмига келиштирди.
ОЛИМЛАР, фахрийлар, идора ва муассаса раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғинда ана шу масала муҳокама қилинди. КИТОБ 2 жыллик бўлиб, уни яратишда республикамизнинг йиллик тарихчи, археолог ва ёзувчилари маслаҳатларига суянилади.

МАҚСАД — ҚОБИЛИЯТЛИЛАРНИ САРАЛАШ
● ЗАНГИОТА райони. 1-урта мактабда дуторчи ҳақида соҳибдор дастаси тўғрисида таърихчи, таърихшинос сифи оқилди.

МАҚСАД Урта мактабларда мажмуа нота ёзувини тизимли раёқдониб мусиқа асарларини ижро эта оладиган қобилиятли ўқувчиларни танлаш ва тарбиялашдир. Бундан ташқари мусиқа таълимиди халқ-чолғу асбоблари имкониятларини кенг тарғиб қилиш, болаларнинг бадиий сависини ўстириш назарда тутилган.

ТУРТ МИНГДАН ЗИЕД КИШИ ИШИ БУЛДИ
ИШИСИЗЛИК муаммоси Ўзбекистон учун янгилик, аммо у муваффақиятлик ҳал этилашти.

ЧИЛОНЗОРДАГИ «ФУРИЯ» КИНОТЕАТРИ тўтати майдонда ишчи ўриилари ярмаркаси ташкил этилди. Туман норхоналари ишчиларга 860 дан зиёд буюқ ўрини тақдир қилмоқда. Агар бошқа туманлардан яна 20 қорхона иштирок этаётгани ҳисобга олинса, демак буюқ ишчи ўриилари анчагина бор. Шуниси қўлайки, 8—10-сифиларни тўтатган ёшларга ҳам ярмаркада турли касоблар буюқ иш топилади.

Ҳозиргача ярмаркада 200 киши ишга тақдир қилинди. Умуман, шу кунгача Чилонзор меҳнат биржаси 4000 дан зиёд кишини иш билан таъминлади.

НАВОИДА ТРОЛЛЕЙБУС ЮРАДИ
● НАВОИЙ. Шаҳар ҳокимиятининг буюртмасига қўра троллейбус линияси дойқалаштирилди.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ таъкидлашича, ҳар бир лойиҳа 15 миллион сумдан кам тушмас экан. Агар бу иш амалга ошадиган бўлса, шаҳар йўқлариди автомобиль тўғрисида тўғрисида ҳаво анча камардир. Бир йўла йўловчилар ташувчи транспорт таърифи ҳам барҳам топади.

АМЕРИКАЛИКЛАР ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ
● ТОШКЕНТ. Давлат консерваторияси ҳузурдаги алоқиди истеъдодли болалар мактабининг бир гуруҳ ёш мусиқачиларни Америкага боришти.

ХОРИЖИЙ мусиқа усталарининг айтишига қарағанда, ёш санъаткорлар фортепианода ижро этган оҳанглари томошабиларга хуш ёқиди. Шу боис улар: «ёзувчилардан бири Америкада шу соҳадан сабоқ олсин» дея тақдир этишти.

ДУСТ ҚУЛФАТДА СИНАЛАДИ
АНДИЖОН. Тониниқлига озиқ-сичак, болалар кийим-кечакларини, гойибазилар йўқитилди.
БУ иш меҳнат жамоялари ва одамларнинг қўйилган қиқарис қилган ҳайри-оқссларининг самараси эди. Бундан ташқари 2508-автомобилни ҳайдовчилар бодирарушлик урушидан жабрланганларга 60 тона ун, бир неча тона ўсимлик ёғи, шакар ва бошқа ва-рур моллар элтиб беришти.

СУТ-ҚАТИҚ ИЧГАН ДАРД БИЛМАЙДИ
ШЕРОБОД. Олмонийликлар билан ҳамкорликда қурилатган сут қайта ишлаш заводи иш бошлашга тахт бўлди.
ҚўРИҚ районида чорвачилик яхши ривожланган. Сут кўп етиштирилади. Илгари имконият йўқлиқдан сутнинг қаймоғи олинми, қолгани ташлаб юбориларди. Энди ана шундай исофгарчилик барҳам топиб, шерободликлар дастурхонини турли хил сут маҳсулотлари беавадиган қўрилади.

СЎМ БИЛАН ОТ ЎЙИНИ

СОБИҚ совет жумхуриятларининг сийсий суверенликка эришганлари, шубҳасиз, XX асрининг буюқ воқеаларидан биридир. Ҳозирги кунда бу жумхуриятларда йиллик сийсий ўзгаришлар билан бир қаторда туб иқтисодий янгиликлар юз бераптир. Ушбу жараёндарда қўшни давлатлар, айниқса ўзаро шартномалар билан боғланган мамлакатларнинг манфаатларини, албатта, ҳисобга олиниши қўзда тутилган.

Шу маънода қўшни Қирғизистонда ўз миллий валютаси муомаллага киритилгани эътиборини тоғдиди. Давлат мустақиллигини мустаҳкам оқдига бу ўринини ва қўшни қўшунларини ҳам иш мустақил давлатларнинг ўз пулларини жорий этишга ундовчи сабаблар қўли. Қирғизистоннинг бу борадаги қадам унга боғлиқ бўлмаган пул эмиссиясидан ҳу-тулуш, инфляция жараёнини тўхтатиш, ўз молия-кредит ва нарх-наво сийосатини олиб бориш, ички бозорини муҳофаза қилиш, хул-

тўғрисидаги қарор шомма-шардик билан тайёрланган. Бу Олий Кенгашда «сўм» («сом») ҳусусидаги овоз бериш анчагина оғир кечган лиғида ҳам яққол қўриган эди. Мухомада чоғида қўпгина депутатлар қарши фикр билдирдилар. Шубҳа ва ҳақиларини маъмул қилдилар. Чунки, депутат К. Бобулов таъкидладики, «Уш ва Жалолобод вилоятлари ўзбекистон билан, Талас вилояти эса Қозғистон билан қўпгина ришталар орқали боғланганлар. Энди қандай бўлади? Бизнинг одамлариди қўшниларида кўп молдин, маҳсулот олишди. Биздан эса уларга деярли ҳеч нарса бормаиди. Шу боис сўм жорий қилинганда, бу миңтақаларда вазиет мураккаблаштиши мумкин». («Слово Киргизстана», 1993 йил 5 май).

Бирок «Слово Киргизстана» газетаси депутатларини барибир миллий валютани жорий этиш учун овоз беришга ундаган сабаблар ҳақида сўзлай туриб, «шарламентнинг икки ҳафталик тазтили даврида халқ ноиблари билан ўтказилган «профилактика» ўз самарасини берганлигини тан олади» (1993 йил 5 май).

Нийдлий сабаблар мутахассисларни қўйлаётган қадамларнинг тўғриватидан шубҳаланишга мажбур эди. Чунки, Қирғизистон рубл зонасида қолган қўпгина мамлакатлар билан ўзаро савдо алоқалариди салбий қолдиққа оға (масалан, ушбу қўрсаткич Ўзбекистон билан 9 миңлар рублдан қўпни танлиқ этиди). Қирғизистон, аввало, ички бозорини тоғур ресурслари билан тўлдириш ҳақида қаёғурди, дея қўпни турилди эди. Афусени, пул ислоқотини муҳокама қилишга киришилган пайтдаёқ ҳамма давлат ва тижорат савдо жойларида, бозорларда, айниқса, чегара районларда пештахталар буюқ бўлиб қолди.

Утган кунни лойтахтимизда очилган Ҳамдустлик давлатлари халқаро экологик кенгашининг III сессиясида ҳам

Пул алмашиши арафасида Қирғизистонда тоғар таъминоти ўта паст даражада эди. Миллий валюта жорий этилиши билан айрим жойларни ҳисобга олмаганда, давлат савдо шаҳобчаларига янги тоғар массасининг келиши янада сусайди. Савол туғилади: бундай инқилобий қарорга келинаётганда нимага умид қилинди? Қирғизистоннинг чегара районларида бозор ва бошқа савдо шаҳобчаларидаги ўзгаришларни кузатиш таиланган йўл у қадар оптимал эмаслигини кўрсатти.

Ўз миллий валютасини жорий этиш даврида Болтиқбўйи республикаларида юз берган воқеа такоррланмоқда. Қисқа вақт ичида қўпни давлатлардан ва, ҳатто, Марказий Осиё жумхуриятларидан Болтиқбўйига элв зарур тоғарлар оқиб келувди.

Ҳозир биз Қирғизистоннинг чегара районларида айнан шу ҳолатни кўриб туришимиз. Ўйлашмишча, иқтисодий ислоқотни ўзга давлатлар ҳисобидан амалга ошириш маъқул бўлмаса керак. Айниқса, бу давлат-

лар шу режадан ҳабардор бўлмаган тақдирда. Қирғизистонда пул ислоқоти бошланмасдан икки-уч ва ундан кўп ой давомида аҳоли иш ҳақи олмаганини таъсир қилиш қийин. Бу гуё нақд пул етишмаслиғи билан изоҳланади. Бирок сўм жорий этилишидан бир неча кун олдин бирдан рублдан пайдо бўлиб қолди. Узоқ вақт тўхтаб қолган иш ҳақи ҳамма жойда туғлана бошлади. Эларидиқи савдо шаҳобчалари буюқ-буюқ қолгани боис одамлар ҳарид учун кинсаларини пулга тўдириб, қўпни давлатларга оқибдилар. Чунки бу ерда тоғарлар бор, ана арзон нархда.

Бошқа гаплари нарсалар ҳам содир бўлди. Асллар давомиди Қирғизистон халқлари Фарғона водийси бозорларида чорвачилик маҳсулотларини сотганлар ва ўрига мева-чева харид қилганлар. Кейинги пайтда улар ўз маҳсулотларини сотишдан тўхтадилар ва ансича чорвачилар билан қўпни солиқлардан зўр бериб солиб ола бошладилар.

(Давоми 2-бетда).

ТОЖИК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўзи ислоқот ва тараккиёт йўли» рисолиси республикамиз аҳолиси ўр-тасида тобора катта қизиқиш уйғотмоқда, меҳнат жамоялари ижодий уюшмаларида, миллий-маданий марказлар-

да, илм масканларида ўрганилмоқда. Жумхуриятимизда яшаётган тоғкизабон аҳоли бу китобни она тилида ўқиш имконига оға бўлди. Китобини «Ўзбекистон» нашриёти чоп этди.

(ЎзА).

ЭКОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

МДҲга аъзо республикаларида қўпгина соҳаларда бўлган наби экологик, табиати муҳофаза қилиш бора-расида ҳам анча-муна муаммолар янгилиб қолгани, уларни биргаллиқда, баҳамжиқат ҳал этмоқ лозим бўлади. Бунис киёбий натижаларга эришиш мумкин.

Утган кунни лойтахтимизда очилган Ҳамдустлик давлатлари халқаро экологик кенгашининг III сессиясида ҳам

таалайгина экологик ишларга теғроқ ўтиш ҳақида сўз юртилди. Анжуманин Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Аҳад Ҳабибуллаев очди. Шундан сўнг Тоғкистон, Россия, Арманистон, Ўзбекистон, Грузия, Беларусь, Озарбайжон ва бошқа республи-

калардан ташриф буюрган эксперт-вакиллар ўзаро фикр алмашидилар. Экологик вакиллар бир неча кун давомида биргаллиқда табиати муҳофаза қилишнинг ўзаро келишув ҳужжатларини тайёрладилар.

Лайло НУРМАТОВА.

Азим СУЮН.

Ақл мевали дарахт, эҳтирос унинг гули

(«МЕН МУҲАББАТГА СИГИНАМАН» КИТОБИДАН)

Унинг кўзин очган булоқнинг суви ширин.

Қавмлар, элатлар, эллар, халқлар, миллатлар бирлиги — Инсоният. Замин эса бутун Инсониятга дахлдор.

Тоғлар юксак, серсув, обод бўлса водийлар, даштлар, чўллар гуллаб яшайди. Шу каби инсон руҳи тоза, муҳаббатли, қудратли эрса тан саломатдир!

Бошга чолаворманг... шарқ табобатчилари бош оғриси, аввал тавондан даволаганлар.

Оилаларнинг аҳил эркинлик асосида ҳаёт кечирishi — ямаилат бутунлигидир.

Бир инсон сифатида ўз динининг севганини яхши. Аммо инсониятга дахлдорининг ҳақни ўза динини ҳам хурмат қил. Чечакни севган одам гулни севмаслиги мумкин эмас!

Озодлик, Эркинлик — Инсоннинг ўз қалбини, ўзлигини ўзига қайтаргувчи мўъжизавий кучдир!

Инсоннинг жамиятдаги тугган ўрнига унинг фақат ҳаракатдаги фаолиятини белгилайди.

Эркин бўлса: уйингда қадин, Ватанинда туринг тик!

Тил билсин — дунёни билсинлар, тор хонадан жаҳонга чиқсинлар, инсониятни англаш, энг муҳими ўзликни англашдир!

Ҳаммомдан оқиб чиққан оёва ҳам ўзини сув санайди.

Булбулнинг семизан илонга ем, Энинг бўлса, эски дўстдан қолма.

Сепилган донни кўриб, тузоғини кўрмаган қушлардай... бир умр ҳайронликда келаямман.

Театрда... йиғлагани жой йўқ, Бегона кўз — сички. Вўйу энингни назардан қочирма.

Тулқиннинг қирқ найранги бўлиб, у қирқ овчини оро йўлда толдирав эман. Емон хотининки эса тулқининдан битта ортоқча эмши.

Қонуи — назорат билан қудратли, яшовчан ва айтинч жонз бўлса, муқаддасдир!

Қонуи — аўравонлар учун хизмат қила бошлаган маънавият таназуули инки қои оралиғига.

Инсон кўш эмас — қаноти йўқ. Аммо чид муҳаббат унга қанот бўлиши мумкин.

Муҳаббат — бодом бўлиб қийғос гуллади. Энди у мена туғиши керак. Лекин қиш ҳали элтигани йиғиб олгани йўқ. Селги дарахтнинг гул ёйгани эмас, ҳосил бергани ҳисоб.

Энг буюк жасорат — Ватан тақдирини йўлида қилинган жасоратдир.

Тараққиёт — инсониятнинг маънавий камолоти билан тарозиланмоғи керак.

Инсон ва инсоният бахт-саодати учун хизмат қилишга йўналтирилмаган тафаккур куч-қудрати қиёмат қойилиши келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Мен бундай тараққиёт маҳсулидан кўрқаман.

Имонли киши ким? Имонли киши, энг аввало, ўз ахлоқини инлоғини ўз қўлида мустаҳкам тутабилган кишидир.

Қалб қоронғулгини — умид чироғи ёритади.

Меҳнатсиз роҳатни ўйлайдиган киши — инноят қилишга мойил кимсадир.

Сўз — амалий фаолият билан яшовчан.

Маънояд улуғ бўлса — қайиқ кемага айланади.

Хатолардан — оқилларга фойдаланишга қодардир.

Тинчликни илгарилан кетмоқ — ўз хатолардан унумли фойдаланишдандир.

Болаларини ўқитаману... ўзин ҳам ўқийман.

Ақл мевали дарахт, эҳтирос унинг гули.

ОЙНИНГ ҚУЧОҒИДА ҚИРЛАРНИНГ БОШИ

Шоир ва журналист Файзи Ҳайдаров Ургут тумани газетаси муҳаррири. Унинг шеърларида она юрти Ургутнинг гўзал манзаралари, одамларнинг тоғдек юксак қалблари мужассам.

ЕЛҒИЗ ҚАЙТМАЙ УЙИМГА

Тун билан судралиб чиқаман кирга Кумуш ой висолга тутади этак, Фақат ҳайлида никимаз бирга, Аслида висолдан бўлмайдн дарак.

Мени тинай чорлар, беларво тортар, Соқов сукунатининг сояқ кучоғи, Кутиндан соғинчим, дардларим ортар Мен каби куймоқда ойнинг ўроғи.

Маънуи юрагидир юрагим бутун, Сенинг дудоғинг ҳам Лайли дудоғи, Олсдан ой бўлиб боқсан буюн, Бошимда чархлар ҳиррон яроғи.

Сарқуш ўрганларим сочингмас эркам, Қора туининг узун қора ўнфлари, Сен қачон қаршимда балқисан ўнгам Унсиз очилмоқда кўнгли қуфлари...

Менчалик кўларим интизор булбул, Менчалик кўларим ошқирар ахир, Сенинг йиғиб ўтар бу шайдо кўнгли, Менчалик суйганим Эҳросин Тоҳир!



Оқшом сочини чапар ойнинг нурида, Табиат келиндек сулуводир, кўркам. Ойнинг қучоғида қирларнинг боши, Мен эса оғуша интизор эркам.

Оҳиста судралиб қайтиб кетар тун, Тонг билан қалқиди кўзларимда ёш, Сен эмас, сен каби қизариб буюн Кучоғимга сингиб кетмоқда кўш.

УЧАЕТГАН ҚУШЛАР

Бир қиб боқибон шоширдиги мени, Қаршимда сенмисан, кулаётган гул! Бунча тез севгига топширдиги мени, Бир ёниб қўшга айланди кўнгул...

Э, воҳ, отилмаган қилар, найзалар — Утир кимликларинг қасдига тушид, Бугун оддий кунлар — сирли лаҳзалар, Ошқирман, телбаман, қушларим учди...

Учаётган қушлар — менинг қушларим...

МУҲАББАТ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Ишқ тини санчилар, галлар юрагим, Қаҳрга айланар томиримда қон.

У кетди! Йўқмиш энди кирагим, Мен энди умрбод ўксин, нотавон.

Умидим шулими сендан муҳаббат, Фирокда ёниш-чун севарим инсон! Тоқай, ёш бошимда чарх урар гурбат, Тоқай, туманидай туларар осмон.

Ҳар гал бедорликда эрттирманан тонг, Энгилма кузлар алдоқчи кўлар, Етар, муҳаббатдан таратгум йўқ донг, Уларга қарашдан юрагим безар.

Мен эрта йўқотган сажий юлдузим, Бегона болишга бугун кўяр бош, Туманга бурканар нури кундузим Интизор кўзимда ҳалқанлар ёш.

Мен уни севолдим Маънуига монанд, Унга кўноқ томон ёзмадим қанот, Аммо у севмади Лайлига монанд, Кўйинимдан юлдуздай учирдим, ҳайот!

Изиндан арваҳдек ўрмалар фирок, Киприкда ёш бўлиб қалқиди галлар, Ҳиррон тўшагинда санҷийман, э воҳ, Юрагимни тундай босар ағдалар.

Нетайки, севикли ёрдан ажрадим, Ҳолимга титради шу кўна замон, О, гўнчилигига ҳазондай сўлган, Муҳаббатим учун йиғлайман ҳамон.

Розиман, юрагим тош бўла қолсин, Қайта ёр севинчи қилмайин ҳавас, Розиман, бу телба ҳисларим тосин, Эй, кўлар, тинч қўйинг мени бир нафас!

Ҳайр, бир нафасли тотли бўсалар,

Ҳайр юрагимдан отилган индо!

Ҳайр, дилнимда тугён урган рашик,

Мағрур муҳаббатим, мангу авлидо!

Файзи ҲАЙДАРОВ.

МАҲСУЛОТНИ ЕТИШТИРИШАДИ, ҚАЙТА ИШЛАШАДИ

НАРПАЙ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида ўтган йили 250 хонадон газлаштирилди. Бу йил яна 500 онла шундай қулайликдан баҳраманд бўлади.

АММО жамоа хўжалиги бошқаруви учун қурилган маъмурий бино қишлоқ шифо масканига айлантирилиши кутилмаган ҳол бўлди. Бундан ташқари мавжуд 9 километрли ичимлик суви қуурлари яна 17 километрга узайтирилади.

Хўжалик ҳудудидаги турта қишлоқда масжид ҳамда чойхоналар қуриляпти. Ян-тоқ, Қорача қишлоқларида 50 ўринли иккита болалар боғчаси ҳам шу йил кўриб битказилади. Мақтаб ўқувчилари ҳам республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан 2 қаватли, 844 ўринли мақтаб биносига кўчиб ўтадилар.

Бундан ташқари иккита тегиримон, учта гилам туқини оҳан шишириш цехлари ишлаб турибди. — дейди жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ойдин Шерназарова, — энди илланлар пахтаини қайта ишлаш корхоналари, атлас ва мато туқин тармоқлари, иккита иссиқхона қуриш лойиҳалаштирилади.

Т. ЕРҚУЛОВ.

ЭЪЛОН



АвиаБрок

Агар Сиз саёҳатга отланган бўлсангиз «АвиаБрок» фирмасининг ҳаво агентлигига мурожаат қилинг, Сизнинг умидларингизни амалга оширамыз.

МДХ бўйича энг имтиёзли нархларда, Сиз учун энг қулай бўлган шароитларда Ҳиндистон, Малайзия, Покистон, Бирлашган Араб Амирликларига етти кунлик саёҳатга таклиф этамыз.

Ўзбекистондаги саёҳат фирмалари орасида биринчи бўлиб Хитойга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг самолётларида саёҳат уюштирамыз. Ҳоҳловчиларни Виельноса саёҳат сафарига таклиф этамыз.

Манзилимиз: Тошкент, Нукус (собиқ Полторацкий) кўчаси, 73-б «Авиабанк» биноси, 3-қават. Телефон: 54-79-39.

ТЕКНЕСТS = INFO

Янги келган маҳсулотлар IBM PC/AT - 286, 386, 387 негизда дастурий-техникавий мажмулар. «MBL», «UNIMEX» фирмасининг 5,25 дискетлари. Экран муҳофазаси филтри /ирисимон/. «CITIZEN 839», «CEDAR 886» калькулятори. «PANASONIC KX-50B» телефакси. «CANON 3525» ксерокси икки рангли /қизил, қора/.

67-25-57, 67-85-86

СИЗЛАРИ БИЛАН БИРГА - КЕЛАЖАККА!

Набатчи муҳаррир Муҳиддинов С. Набатчи Норбоев Э.



Фаргона воҳсининг савдо тармоқларига хайратланарин гўзаллик кашф этадиган ёдгорлик буюмлари савдога кўйилди. Булар Андижон бадий буюмлар тажриба заводининг маҳсулотидир. Катта маҳорат, санъаткорона дил билан безатилган бу буюмлар харидорларини қувонтирмақда. Шу завод жойлашган Ҳақон қишлоғи аҳли қадимдан бу санъатта қизиқиб келган. Авлоддан авлодга мерос бўлиб қолаётган бу миллий санъат ҳозирда ҳам ҳаётимиз кўрми бўлмоқда. Бунинг ҳозирги кунлардан ишдан ва тажрибадан ҳам билиш мумкин.

Корхонада маҳсулот турлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айни кунда бу ерда 50 турдан ортқ бадий буюмлар ишлаб чиқариляпти.

СўРАТДА: Уста Самдjon Усмоналиев.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

Спорт •• Спорт •• Спорт •• Спорт

Тўққизинчи ТУР ЯКУНЛАНДИ

РЕСПУБЛИКА шохмат-шашка клубида аёллар ўртасида Ўзбекистон 51-чемпионати баҳслари давом этапти.

Биринчиликда 10 нафар спорт усталигига номзод, тўрт нафар 1-резервда эга шохматчи узаро донга, сурмоқда. Мусобақанинг 9-тур учрашувлари якунланди. Ушбу турда турнир пешқадами бухоролик О. Ким, тошкентлик И. Горшковани мағлубитга учратиб, тўплаган очколарини 8 тага етказди ва ҳамон олданда бормоқда.

Муҳлислар троссмейстер Александр Невзневнинг қандай шохматчи эканлигини яхши билишди. Унинг рафиқаси Р. Мамедова ҳам чемпионатда муваффақиятли қатнашмоқда. У 8-турда Елена Проклопенкини мағлуб этган бўлса, 9-партида, муҳлисларга эришарлар бахс-дан яхши таниш Борис Бодштейннинг рафиқаси Л. Бодштейндан устун келди. Ҳозирча Р. Мамедова 7,5 очко тўплаган ҳолда иккинчи ўринда борляпти.

Кейинги партиларда оспингли Проклопенколарнинг омади чопмалпти. Сўнгги турда Ольга Проклопенко Е. Крючовани енгилди. Сингли Елена эса самарқандлик Л. Шакаровага ютказди. Н. Репрун — О. Парфинова учрашуви дурран билан якунланди. Ушбу турнир А. Хегай (Наманган) — Л. Малининева (Тошкент) учрашувида эса наманганлик шохматчи ғалаба қозонди.

Мусобақа 30 майга қадар давом этади.

«ЮЛДУЗ»ЛАР ҲАЁТИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонларининг биринчи йилларида тенниснинг оммавийлиги ошиб бораётганини, спортнинг бу тур атрофидаги долларлар ҳақида фикр юритган эдик. Қаерда пул катта бўлса, уша ерда ўзгалар молига кўз олайтириш ҳодисалари ҳам кўп бўлади.

Яқинда теннис бўйича жаҳоннинг суперюлдузи Моника Селеш ҳаётига қасд қилишди. «Билди» ахборот газетасининг ҳабар беришича М. Селеш шифонадада оғир аҳолида ётибди. «Пичок» жароҳати нера тўқималарига ҳам қат-

АЁЛЛАР ҲАМ МУШТЛАШАДИ

Бож илхосмандлари халқаро Федерацияси раҳбари Арвар Чоудри журналистрлар билан Шанхайда бўлган учрашувида аёллар ўртасида ҳам катор бож мусобақалари уюштирилши мўлаққатлаштирилганини айтди. Лекин улар учун босқинг алоҳида қондалари ишлаб чиқилди.

«ОЛТИ» УЧУН 15 МИНГ ДОЛЛАР Америка спортчилари бўла

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

ОЛМАОТАДА Рим олимпиадасининг кумуш медали совиндорлари Гусман Касалов хотирасига бағишланган III халқаро мусобақа ниҳоятга етди. Унда МДХ ҳудудидан келган 300 дан кўпроқ спортчи қатнашди. Бу турнир август ойида Германияда бўладиган жа-

ҳок олимпиаданинг олтин медалига кўлга киритсалар мукофотга 15 минг доллар оладилар. Мабодо бирор жамоа, масалан, баскетболчилар Олимпиада ғолиби бўлса у ҳолда ҳар бир спортчига 15 мингдан ёки жами 180 м.чг доллар мукофот берилади.

«СЕН ЕТИМ ЭМАСАН, ТИНЧЛАН ЖИГАРИМ» Дания киролиги футбол жамоасининг май ойи охирида

Замбия футболчиларини 6 ҳафталик мавсумот ўтказишга таклиф қилганлигига эътироз билдирмади. Маълумки Замбия тарма жамоеви жинда худди бизнинг «Пахтакор»дек авиа ҳалоқатига учраган эди. Бўлажак жаҳон чемпионларининг янги Замбия футбол жамоасини шакллантиришга бел боғлаганликларини одамийлик нуқтаназаридан юқори баҳоламоқ жоиз.

пасига кўтарилишди. Виталий Хожателов 67 м 86 см масофага молот улоқтириб, биринчи ўринни ағаллаган бўлса, Дамир Топшўлатов уч ҳатлаб сакрашда 16 м 96 см натижага эришиб, ғолиб чиқди. Валерий Парфёнов ҳаммадан узоқ масофага (80 м 46 см) найза улоқтирди.

Р. ЖУМАЕВ.

Халқ сўзи Народное Слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ ТАХИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миралмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқуя ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВ, Саидхоррер ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. ● Таҳририятга ҳажми 7 қогоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.